
Туман ҳоқими қабулида: МУРОЖААТЛАР ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонасининг Тошлоқ туман бўлимида туман ҳоқими Абдуқаҳҳор Джурабаевнинг навбатдаги қабули ўтказилди. Унда туман ҳоқими ўринбосарлари ҳамда фуқароларнинг мурожаатларига дахлдор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар. Қабулда 70 дан ортиқ фуқароларнинг ер ажратиш, уй-жой билан таъминлаш, тадбиркорлик, даволаниш бўйича моддий ёрдам, ишга жойлашиш ва бошқа масалалардаги мурожаатлар эшитилди.

Қабулида фуқароларнинг ҳар бир мурожаатлари тўлиқ эшитилгач масалага ечим топиш бўйича шу ернинг ўзида аниқ чора-тадбир белгиланди. 30 дан ортиқ мурожаатга шу ернинг ўзида ечим топилди. Ўрганиш талаб этилган мурожаатлар эса назоратга олинди. Қабул давомида 3 нафар фуқароларнинг моддий ёрдам масалалари бўйича мурожаатларига ҳам ўз вақтида муносабат билдирилиб зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

Тошлоқ тумани ҳоқимлиги Ахборот хизмати.

2021-06-10 15:11:50